# ЎЗБЕКИСТОНДАН САДО

## Бугун дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатига таралмоқда

*Ҳар йили дунёнинг турли минтақаларидаги мамлакатлардан Тошкент халқаро радиосига кўплаб мактублар келади. Унинг манзили турлича бўлса-да, маъно-мазмунида ягона бир фикр устунлик қилади. Бу – Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва эътибор, Тошкент радиосига билдирилган самимий истак ва тилаклардир.*



Ҳиндистонлик радиотингловчи Муҳаммад Акбархон юборган мактубида шундай дейди: «Сиздарнинг ажойиб мамлакатингиз, халқингизнинг чуқур илдизларга эга бўлган маданияти, урф-одатлари, анъаналари мени жуда қизиқтиради. Менга сизларнинг дастурларингиз орқали Ўзбекистон билан танишиш беҳад хушнудлик бахш этади».

«Мен сизларнинг радионгиз бераётган эшиттиришларни катта қизиқиш билан тинглайман, — деб ёзади германиялик радиотингловчи Карл Оксенбауэр, — улар орқали мамлакатингиз сиёсати, иқтисодиёти ва маданияти билан танишиб бораяпман».

«Мен араб тилида Ўзбекистондаги ҳаётни тўла ва батафсил ёритаётганлигингиз учун миннатдорчилик билдиришни истайман...».

«Радионгиз мен учун Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари тўғрисида маълумот берувчи ягона ахборот манбаидир...»

**Мактублар юборилган манзиллар АҚШ, Франция, Германия, Япония, Покистон, Миср... Бу мактублардан хулоса шуки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Тошкент халқаро радиоси эшиттиришларини дунёдаги кўпчилик халқлар тингламоқда. У жаҳоннинг 60 дан ортиқ мамлакатига ўн икки – инглиз, немис, ҳинд, урду, араб, форс, турк, хитой, дари, пушту, уйғур ва ўзбек тилларида эшиттиришлар бериб боради. Тошкент халқаро радиоси ўз эшиттиришларининг ҳажми ва ахборотларининг қамрови доирасига кўра, чет элларга эшиттиришлар берувчи Марказий Осиёда йирик радиостанциядир.**

Тошкент халқаро радиоси эллик йилдан ортиқ тарихга эга бўлса-да, унинг ҳақиқий фаолияти, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти истиқлол йилларида шаклланди. Зеро, унинг таркиби, дастурининг мазмун ва мундарижаси Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар билан уйғун равишда тубдан ўзгариб бормоқда. Радионинг асосий мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларига оид қонунлар, Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари асосида белгилаб олинган. Жамоамизнинг ўз олдига қўйган бирдан-бир мақсади мустақил Ўзбекистонни жаҳонга бутун борлиғи билан холис ва ҳаққоний танитишдан иборат.

Тошкент халқаро радиосининг Европа мамлакатлари, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари учун инглиз тилида, ГФР, Австрия ва Швейцария мамлакатлари учун немис тилида тайёрлаётган эшиттиришларининг тингловчилари кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Ҳинд, урду, хитой, уйғур тилларидаги ахборот-мусиқий дастурлар Ҳиндистон, Покистон, Хитойда аллақачон ўз мухлисларини топган.

Радио араб мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти, иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳақида араб, форс, дари, пушту тилларида эшиттиришлар бермоқда.

Тошкент халқаро радиоси дастурларида Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари етакчи мавзу ҳисобланади. Давлат раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифи, музокаралар, икки томонлама манфаатли ҳамкорлик ҳақида имзоланаётган ҳужжатлар, уларнинг моҳияти ва мазмуни журналистларимиз тайёрлаган ахборот, таҳлилий шарҳ ва репортажларда хорижлик тингловчиларга тезкорлик билан етказилмоқда. Ўзбекистонда хорижий тадбиркорлар билан барпо этилган кўплаб қўшма корхоналар фаолияти ҳам дастурларимиздан кенг ўрин олмоқда. Хорижлик ишбилармонлар эфир орқали чиқишларида Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик қилиш, корхона ва турли лойиҳаларга инвестиция киритиш учун ҳуқуқий кафолатлар мавжудлиги ҳақида мамнуният билан гапирмоқдалар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жаҳондаги қирқдан ортиқ давлатнинг элчихонаси, халқаро ташкилотларнинг 16 ваколатхонаси очилган. Хорижда Ўзбекистоннинг қирққа яқин элчихона ва консуллик идоралари фаолият кўрсатмоқда. Булар – Тошкент халқаро радиоси дастурлари учун энг муҳим ахборот манбаидир. Элчилар ва дипломатлар радиомиз орқали Ўзбекистон ҳақида, бу мамлакатнинг ажойиб ва танти халқи, уларнинг орзу-интилишлари, республикадаги тинчлик ва барқарорлик, миллатларнинг тотувлиги, хорижликларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор ҳақида қалб сўзларини изҳор этмоқдалар.

Тошкент халқаро радиосининг XXI асрдаги қиёфаси, жамиятдаги ўрни ва келажаги қандай бўлади? Жаҳон халқларига ўз тилларида бериладиган ахборот ва эшиттиришларнинг ҳажми, сифати, техник имкониятлари хусусида нималар дейиш мумкин?

Тошкент халқаро радиоси ҳозирги кунда бир кеча-кундузда 15 соатга яқин ҳажмда эшиттиришлар бермоқда. Келажакда эшиттиришларнинг тили, ҳажми ва географияси ҳам ортиб боради.

Яна шуни айтиш керакки, Ўзтелерадиокомпанияси тизими билан бир қаторда Тошкент халқаро радиоси ҳам техникавий қайта жиҳозланмоқда. Ҳозир Германиянинг «Сименс» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда замонавий техника воситалари ўрнатилди. Бу жиҳозлар дунёнинг барча мамлакатларидан ахборот қабул қилиб олиш, узатиш ва ўзаро алмашиш имконини беради. Журналистларимиз «Интернет» орқали дунё радиостанциялари берган ахборотларни компьютердан олиб, ўқиб-ўрганиб, улардан қиёсий ва таҳлилий материаллар тайёрлашда фойдаланмоқдалар. Яқинда Тошкент халқаро радиоси ҳам «Интернет» тизимида ўз вебсайтига эга бўлади ва ундан ўз ахборотларини дунёнинг барча мамлакатларига узатади.

Тошкент халқаро радиоси бугунги кунда Ўзбекистон истиқлолининг фаол тарғиботчиси, дўстлик, тинчлик, барқарорлик каби эзгу ғояларнинг хабарчиси бўлмоқда. Буни мактублар орқали жаҳон эътироф этмоқда.

**Шерзод ҒУЛОМОВ,**
**Тошкент халқаро радиоси директори.**

# БИР УМРЛИК САБОҚ

Бу жанжал кимнингдир жисмида, кимнингдир руҳиятида оғир из қолдирди. Энг ачинарлиси, ака-сингил, тоғаваччаю аммаваччаларни бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ ғанимларга айлантириб қўйди.

Воқеа бир неча йил аввал бўлган эди. Ғафуржон Рўзиматов хонадонининг дарвозаси одатдагидек ланг очиқ турарди. Бир маҳал ҳовлига уй соҳибининг синглиси Фотимахон ўғиллари Рустам, Акрам, Акмал, Абдурасул, Абдурашид ва Омад билан бирга кириб келди. Зум ўтмай қариндошлар ўртасида даҳанаки жанг бошланиб, кейин росмана ур-калтакка айланди. Ғафуржон аканинг юзлари ва тиззаларига, кенжа ўғли Дилмуроднинг қоқ пешонасига, келини Равшанойнинг бошига жароҳат етди. Воқеа устига Ғофуржон аканинг ўртанча ўғли Илҳом келиб қолди. У аянчли манзарани кўриб чидай олмади. Қўлига илинган нарсани олиб, аммаваччаларига ташланди. Оқибатда Акмалнинг қорнига тиғ санчилди. Қон устига қон тўкилди. Бундан ғазабланган ака-укалар тоғасига тегишли автомашинани арматура билан уриб, мажақлаб ташлашди ва кўздан ғойиб бўлишди..

Хўш, ака-сингил фарзандлари ўртасида қандай адоват бор эдики, бундай кечирилмас ишга қўл уришди?

Ғафуржон аканинг келини Равшанойнинг судда берган кўрсатмасига қараганда, Қобиловлар дарвоза томон яқинлашгани ҳамоно Рустам оғзидан боди кириб, шоди чиқиб Дилмуродни чақиради. Сўнгра кутилмаганда уни қўлидаги арматура билан калтаклай бошлайди.

Акмал Қобилов можарони бошқача талқин этади. Ака-укалар тоғаси ҳовлисига кириб келишганида, уларни Дилфуза Рўзиматова қарши олади. “Ҳаммаларинг бизнинг уйда хизматимизни қилиб катта бўлгансизлар” дея шахсиятга тегадиган гап қилади. Шу пайт Дилмурод уйдан отилиб чиқиб, Акрамнинг юз-кўзи аралаш мушт туширади.

Кейинчалик ушбу можаро юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Суд бўлди. Тоға уйига бостириб кирган ака-укалардан фақат биттаси – Рустам жиноий жавобгарликка тортилиб, Андижон шаҳар судининг ҳукми билан айбдор деб топилди. Жиноий қилмиши учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-модда 2-қисми “а”, “в” бандлари билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Орадан кўп ўтмай, республика Президентининг “Амнистия тўғрисида”ги Фармонига асосан, бу жазо муддати тенг ярмига қисқартирилди. Кейинроқ навбатдаги амнистия қўлланилиб, яна учдан бирга камайтирилгач, 10 ойу 23 кун қолдирилди. Сўнгра Рустам жазодан бутунлай озод этилди.

Илҳом Рўзиматовнинг тақдири эса бироз мураккаб кечди. У дастлаб 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Орадан кўп вақт ўтмай жиноят иши шаҳар суди судьяси М. Хушвақова томонидан кўриб чиқилиб, қайта терговга жўнатилди. Вилоят суди судлов ҳайъати бу хулосага қўшилди. Шаҳар судининг ҳукмини бекор қилди. Иш шаҳар суди судьяси А. Омонов раислигида кўриб чиқилди. Аммо ажримда кўрсатилган 7 банддан иборат эътирозларнинг биронтаси инобатга олинмади. Жумладан, воқеа Рўзиматовлар хонадонида бўлиб ўтганига қарамасдан, судья негадир Илҳом Рўзиматов жиноятни жамоатчилик жойида содир этган, деб кўрсатди. Шунингдек, жанжал пайтида ака-ука Қобиловлар томонидан қўлланилган воситалар – пичоқ ва арматураларга далилий ашё сифатида баҳо бермади. И. Рўзиматов томонидан А. Қобиловга етказилган тан жароҳатини қайта экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги даъволарни рад этди. Ҳолбуки, Илҳомнинг эртанги тақдири айнан шу жароҳат билан боғлиқ эди.

Зеро, шаҳар ИИБ ТБ терговчиси Б. Жалолов қарорига биноан ўтказилган биринчи тиббий экспертиза хулосасида А. Қобиловнинг пичоқдан олган тан жароҳати шундай таърифланган: “... тиғ қорин бўшлиғидан тешиб ўтган, ингичка, йўғон ичаклар шикастланмаган. У ўзининг хусусияти билан “ҳаёт учун хавфли бўлган оғир” тан жароҳати даражасига киради”.

Қизиқ, пичоқ қорин бўшлиғини тешиб ўтса-ю,

### Ахлоқ мавзуида

ингичка, йўғон ичаклар шикастланмаган бўлса, жароҳат қанақасига ҳаёт учун хавфли ҳисобланади?

Асли касби врач бўлган Ғафуржон Рўзиматов шу мантиқдан келиб чиқиб, А. Қобиловнинг олган тан жароҳатини қайта экспертизадан ўтказишни талаб қилади. Қайта ўтказилган тиббий экспертиза хулосасида эса шундай дейилади: “Қобилов Акмалга бирламчи суд-тиббий экспертизасида унинг номига юритилган 5577/207-сонли тиббий харитадаги маълумотлар, ташхис мақсадида ўтказилган лаборатория баёни тўлиқ кўчирилмаганлиги сабабли, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати даражаси билан боғлиқ хулосалар шошма-шошарлик билан берилган. Қорин девори ташхис лабораториясидан ўтказилганда, ундаги жароҳат қорин бўшлиғига ўтмаганлиги (Биринчи марта экспертиза хулосасида “қорин бўшлиғини тешиб ўтган” деб кўрсатилганлигига эътибор беринг — **Б. О.**) ва қорин бўшлиғи аъзолари жароҳатланмаганлигини кўрсатди. Жароҳат “соғлиқ бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати даражаси”га киради. Чунки ушбу тан жароҳатининг тузалишига 6-21 кун оралиғидаги вақт керак бўлади”. Бинобарин, кейинги текширувда экспертлар М. Аҳмедова, Х. Холмирзаев ва У. Ботирхоновлар биринчи марта экспертиза жараёнида нотўғри хулоса берганликлари маълум бўлиб қолади. Шунга кўра, улар устидан жиноий иш қўзғатилади. Лекин «Амнистия тўғрисида»ги Фармон туфайли жазодан холи қоладилар.

Айни чоғда Илҳом Рўзиматовга ўташи керак бўлган беш йил етти ойу 22 кунлик муддат, мамлакатимиз Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига биноан, уч йилу беш ой деб қайта белгиланади. Сўнгра у Навоий шаҳар судининг ажрими билан шартли равишда жазодан озод этилади. Ҳақиқат, қисман бўлсада, қарор топади.

Жиянлари билан рўй берган можаро туфайли Ғафуржон аканинг ўзи ва оила аъзолари тан жароҳати олди. Чунончи, тўнғич фарзанди Дилмурод руҳий касалликка мубтало бўлиб, меҳнатга лаёқатини йўқотди. Бундан ташқари, хонадон соҳиблари Андижон туманидаги Тошматов номли ширкат хўжалигига қарашли адирликлардан уч гектар ерни ижарага олиб, боғ яратишганди. Кутилмаган жанжал сабаб бу ишлар ўлда-жўлда қолиб кетди. Ғафуржон ака судма-суд юриб, тасарруфидаги экин майдонидан унумли фойдалана олмади. Оқибатда ширкат хўжалиги билан тузилган ўзаро шартномада белгиланган маҳсулотларни топширолмади. Ғафуржон ака ана шуларни назарда тутиб, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво аризаси битганди. Суд унинг талабини қисман қаноатлантирди.

Ва, ниҳоят, яқинда Андижон вилояти прокуратураси ушбу ишни назорат тартибида ўрганиб чиқди. Шу жараёнда биринчи босқич суди Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 15-, 160- моддалари талабларини бажармагани, даъвогар ундириб беришни сўраётган моддий зарар мавжудлигини аниқлаш учун мутахассисларни жалб қилмагани, фақат суд мажлисида сўралган даъвогар, жавобгар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билангина кифояланганни, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги талабларни инобатга олмагани аниқланди. Пировардида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг кассация судлов ҳайъатига туманлараро суд ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгитдан бошқа таркибда кўриб чиқиш юзасидан протест киритилди.

Албатта, суд ўзининг одилона фикрини айтар. Лекин бизни масаланинг бошқа томонлари ўйлантиради. Юртимизда меҳр-оқибат, эзгу қадриятлар ҳаётимизга қайтаётган, эъзоз топаётган бир пайтда нега бир-бирига қондош бўлган инсонлар жанжал, уришишни қурол қилишмоқда. Арзимаган нарсадан бошланган можаро шунчалар катталашиб кетганлигига маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар томошабин бўлиб тургани сизни ажаблантирмайдими?! Қани бағрикенглик, муросаю мадора каби одатларимиз?

Ушбу мақолани чоп этиш олдидан ҳар хил мулоҳазаларга бордик. Қариндошлар ўртасидаги жанжални ҳаммага дастурхон қилиш шартми? Ниҳоят, бу воқеа келтириб чиқарган оқибатлари билан бошқаларга сабоқ бўлармикан, деган фикрга бордик. Бирни кўриб фикр қил, дейдилар ахир.

Келинг, бу ёруғ оламда инсон энг олий хилқат экан, бир-биримизга меҳримизни аямайлик, ўсиб келаётган ёш авлодга яхши фазилатлар билан ибрат бўлайлик.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

UZDUNROBITA
first cellular

GSM

GSM ТАРМОҒИ
ҚОПЛАШ ДОИРАСИ

– GSM ТАРМОҒИ АМАЛ ҚИЛАЁТГАН ШАҲАРЛАР

– GSM ТАРМОҒИ ТУШИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ШАҲАРЛАР




“ПРЕСТИЖ” РЕЖАСИ 99$
ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ
+ SMS – БЕПУЛ!

УЗДУНРОБИТА GSMдан GSMга КИРУВЧИ ҚЎНҒИРОҚЛАР
БЕПУЛ!

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган),
2003 йил 1 февралдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови ($) | Кириш алоқаси баҳоси ($) | Чиқиш алоқаси баҳоси ($) | Кириш алоқаси баҳоси «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM) ($) |
|---|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2.0 | 0.08 | 0.10 | Бепул |
| Престиж | 99.00 | Бепул | | |

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

SMS
ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

VFMS
ОВОЗЛИ ВА ФАКСИМИЛ ХАБАРЛАР ХИЗМАТИ

Кечаю кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
“Уздунробита” ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй (“Лабзак”).
www.uzdunrobita.uz

УзАСИ АА №0000104

